



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI JARQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Jarqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston ko‘chasi 13-uy. 190600, tel.: (+99876)432-10-94, jarqurgon.t@exat.uz, www.jarqorgon.uz

20 21-yil “ 08 ” fevral _____ Қ-102 -son

Jarqo‘rg‘on t.

Жарқўрғон туман “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудидан фуқаро Хамраев Мираббосга “Ёшлар келажагимиз” давлат дастури асосида оилавий мехмонхона биноси қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси, Жарқўрғон туман ҳокимининг 2021 йил 5 февраль кунидаги Қ-99-сонли қарори, туман ҳокимлиги ер танлаш ва ажратиш ишчи гуруҳининг 2021 йил 5 феврал кунидаги далолатномаси ҳамда “Кунчиқиш” маҳалласи яшовчи фуқаро Хамраев Мираббоснинг туман ҳокими номига 2021 йил 5 феврал кунида ёзган аризасини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Жарқўрғон туман ҳокимининг 2021 йил 5 февраль кунидаги Қ-99-сонли қарори ҳамда туман ҳокимлиги ер танлаш ва ажратиш ишчи гуруҳининг 2021 йил 5 февраль кунидаги далолатномаси инобатга олинсин.

2. “Қорақурсоқ” маҳалласи ёқасида жойлашган фуқаро Хамраев Мираббосга тегишли бўлган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига олинганлиги сабабли, ўрнига “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудидан мехмонхона биноси қурилиши учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 600,0 кв.м бўш ер майдони ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б (Б.Аллабердиев), туман қурилиш бўлими бошлиғи (Ш.Тошпўлатов)ларга тегишли меъёрий ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилгандан сўнг ажратилган ер майдони чегараси ва қизил чизиғини жойида кўрсатиб бериш вазифаси юклатилсин.

4. Фуқаро Хамраев Мираббосга ажратилган ер майдонидан белгиланган мақсаддан бошқа мақсадда фойдаланилган тақдирда ушбу қарор туман ҳокимлиги томонидан бекор қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.



Туман ҳокими ўринбосари


Ж.Шапўлатов

«HUBUDIY ELEKTR TARMOQLARI»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

“SURXONDARYO HUDUDIY ELEKTR
TARMOQLARI KORXONASI”
AKSIYADORLIK JAMIYATI

JARQO`RG`ON TUMAN ELEKTR
TA`MINOTI KORXONASI



АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО
«РЕГИОНАЛЬНЫЕ
ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ СЕТИ»

АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО
“СУРХАНДАРЬИНСКОЕ
ПРЕДПРИЯТИЕ ТЕРРИТОРИАЛЬНЫХ
ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ СЕТЕЙ”
СЕТЕЙ”
ДЖАРКУРГАНСКИЙ РАЙОННЫЙ
ЭЛЕКТРОСНАБЖАЮЩИЙ
ПРЕДПРИЯТИЕ

Манзилгоҳ: Жарқўргон тумани “Янгиобод” маҳалласи Хаудаг кўчаси
Тел: 43-21-946. 95-501-06-48 факс: 43-21-393

№ 16/5-125

“ 05 ” “ 02. ” 2021 йил

Жарқўргон туман курилиш бўлими
бошлиғи Ш.Тошпўлатовга

ТЕХНИК ХУЛОСА

Сурхондарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси аксиадорлик жамияти Жарқўргон туман электр таъминоти корхонаси Сизга шуни ёзиб маълум қиладики Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрь кунидаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сонли қарорига асосан “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудида жойлашган ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига олинаётганлиги сабабли ўрнига “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудидан ер майдони ажратиб бериш учун танланган ер майдони ҳудудидан 0,4-6-10 кВ паст ва юқори кучланишли хаво электр узатиш тармоғи ўтган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабр кунидаги “Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1050-сонли қарорининг 3-боб 31-бандида белгиланган тартибда 0,4-6-10 кв паст ва юқори кучланишли хаво электр узатиш тармоғини қурувчи томонидан кўчириб бериш шарти билан лойиҳалаштиришингизни сўрайди.

Жарқўргон ТЭТК бошлиғи:

Баж:Н.Атамуротов

Ғ.Эргашев

Ўзбекистон Республикаси
Автомобил Йуллари Давлат
қумитаси
Сурхондарё вилояти Автомобил
Йуллари ҳудудий бош бошқармаси
Жарқўрғон туман
йўллардан
фойдаланиш унитар
корхонаси
Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туман,
Н.Боймуродов 91-уй . телефон 94-267-00-50



“O‘zbekiston Respublikasi Avtomobil
yo‘llari Davlat Qumitasi
Surxondaryo viloyati Avtomobil
yo‘llardan Hududiy bosh boshqarmasi
Jarqorgon tuman
yo‘llardan foydalanish unitar
korxonasi

Surxondaryo viloyati, Jarqorgon tuman
N. Boymurodov kuchasi 91 tel; 94-267-00-50

Жарқўрғон шаҳри, Н. Боймуродов кучаси, 91 Телефон : 43 – 21 - 840

“ 05 ” 02. 2021 йил

№ 28

Жарқўрғон туман қурилиш бўлими бошлиғи Ш.Тошпўлатовга

Х У Л О С А

Жарқўрғон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси маъмурияти Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрь кундаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сонли асосан фуқаро Хамраев Мираббосга қарашли “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудида жойлашган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига олиб ўрнига “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудидан ажратилаётган ер майдони йўл минтақасига ҳозирча ҳалақит бермаслиги яъни давлат йўлларига узоқ жойлашганлиги сабабли Жарқўрғон туман ЙФУК маъмурияти эътироз билдирмайди.

Ўрнатилаётган объект йўл ҳудуди минтақасидан қурилса амалдаги қонунчилик асосида шартнома тузилиб ойма-ой тўловларни амалга оширишингиз лозим бўлади. Автомобил йўллари минтақаси мавжуд автомобил йўл ўқидан ўнг томондан 50 метр, чап томондан 50 метрдан ошгандан кейин ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги 342-сонли қарорининг 3 бандига асосан йўл қисмининг 25 метрдан сўнг вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан қурилиш мумкин.

Келажакда йўл категорияси ўзгарганда, ёки уни кучириш билан боғлиқ бўлганда йўл минтақасида ўзгариш киритилса, давлат томонидан бирон-бир объект қурилиши лозим бўлса йўл корхонаси объектни қурилишини бузиш, кўчириш ёки маблағ тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари тўғрисидаги қонуннинг V боб 24 моддаси.

Жарқўрғон туман ЙФУК
директори:



Х.Қаюмов



HUDUDGAZ SURXONDARYO



GAZ TA'MINOTI FILIALI
JARQO'RG'ON TUMANGAZ TA'MINOTI BO'LIMI

« 5 » 02 2021 у.

№ 29-02-

85

ТЕХНИК ХУЛОСА

“ЎЗТРАНСГАЗ” АЖ, Сурхондарё вилояти бўйича ҳудудий газ таъминоти филиали Жарқўрғон туман участкаси Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрь кундаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 911-сонли асосан фуқаро Хамраев Мираббосга қарашли “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудида жойлашган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига олиб ўрнига “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудидан ер майдони ажратиб бериш ишлари табиий газ тармоғига уланмайди.

“Жарқўрғонтумангаз”
филиали бошлиги:



И.Мустафоқулов

**Жарқўрғон туман курилиш бўлими
бошлиғи Ш.Тошпўлатовга**

Т Е Х Н И К Х У Л О С А

1. Жарқўрғон туман “Қорақурсоқ” маҳалласи.

2.Объект: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрь кунидаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сонли асосан фуқаро Хамраев Мираббосга қарашли “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудида жойлашган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига олиб ўрнига “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудидан ер майдони ажратиб бериш.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 майдаги ПФ-4329-сонли фармойишига асосан 2019 йил 1 июлдан бошлаб барча турдаги курилишлар лойихасига инженер-техник коммуникацияларни жумладан телекоммуникация тизими курилиши шарт қилиб белгиланган.

4.Курилиш қилиши режалаштирилаётган объектда ер қозиш ишлари телекоммуникация ходимлари иштирокида амалга оширилиши керак. Ер қозишдан олдин огохлантириш берилиши керак.

5.Курилиш монтаж ишлари давомида мавжуд алока иншоатлари ҳамда ер остидан утган кабелларни узгартириш,кайта тортиш ҳамда кайта куриш ишлари пудратчи томонидан тулик амалга оширилади.Ишлар давомида алока иншоатларига етказилган зарарлар тулик янги кийматда коплаб берилади.

6. Барча лойиха ишларида алока иншоатлари ҳамда кабеллари утказилган ҳудудлар ишчи харитага тушириб берилади.

7.Ушбу техник хулоса берилган кундан бошлаб бир йилгача ўз кучини саклайди.

Бошлиқ:



Ф.Маматмуродов

Бажарди: Ш.Хўжамуродов

ДАЛОЛАТНОМА

“ ” _____ 2021 йил

Жарқўрғон тумани

Бизлар ким ушбу далолатномани тузиб қуйида имзо чекувчилар туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ер танлаш ва ажратиш комиссия”си аъзолари:

Ж.Шапўлатов - Комиссия раиси ўринбосари туман ҳокимининг ўринбосари.

Комиссия аъзолари:

Б.Аллабердиев -туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б,

Ш.Тошпўлатов -туман қурилиш бўлими бошлиғи

А.Бердиев -туман СЭОМ бош ҳакими,

И.Мустасакулов -Жарқўрғон тумангаз филиали бошлиғи,

Ғ.Эргашев -туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи,

Б.Тоғаев -туман ёнғинга қарши ишлаш бўлими бошлиғи,

Ф.Маматмуродов -Жарқўрғон телекоммуникация бўлими бошлиғи,

А.Абсаттаров -“Сурхондарё сув таъминоти” МЧЖ
Жарқўрғон туман филиали бошлиғи:

Х.Қаюмов -туман ЙФУ корхонаси бошлиғи.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрь кунидаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сонли асосан “Кунчиқиш” маҳалласи яшовчи фуқаро Хамраев Мираббоснинг туман ҳокими номига “Қоракурсқ” маҳалласи ҳудудидан жойлашган ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига олиб ўрнига “Қоракурсқ” маҳалласи ҳудудидан ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини кўриб чиқдик. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси томонидан “Қоракурсқ” маҳалласи ҳудудидан ажратиб берилаётган 600,0 кв.м ер майдони қуйидагича чегараланади, яъни

Шимолдан - Савдо дўкони билан

Шарқдан - Намунавий уй-жойлар билан

Жанубдан - Намунавий уй-жойлар билан

Ғарбдан - Маҳаллий кўча билан

“Қоракурсқ” маҳаллалари ҳудудидан ажратиб берилаётган ер майдони санитария, ёнғинга қарши кураш хавфсизлиги меъёрий қоидаларига тўлиқ жавоб беради.

Ушбу ер майдонида қурилишга халақит қилувчи кўп йиллик дарахтлар ва инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи техноген ҳолатлар мавжуд эмас.

Комиссия аъзолари “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудида жойлашган фуқаро Хамраев Мираббосга қарашли ер майдони ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига олинаётган сабабли ўрнига “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудидан ер майдони ажратиб бериш масаласи қонун талабларига мувофиқ бўлганлиги сабабли далолатноманинг тасдиғини туман ҳокимлигидан сўрайди.

Ж.Шапўлатов



Комиссия аъзолари:



Б.Аллабердиев



Ш.Тошпўлатов



А.Бердиев



И.Мустафокулов



Ғ.Эргашев

Б.Тоғаев



Ф. Маматмуродов



А.Абсаттаров



Х.Қаюмов